

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 24 сентябрь, № 187 (4597)

Чоршанба



ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Power Uzbekistan – 2008» учинчи халқаро Ўзбекистон ихтисослашган энергетика кўргазмаси иш бошлади.



Кўргазма

Очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида салмоқли муваффақиятлар кўлга киритилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари энергетика тизимини янада ривожлантиришда ҳам бош омил бўлаётди. Хусусан, кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича олтинчи миллий саммит ўз ишینی бошлади. АКТ ҳафталиги доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздан ташқари Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси, Қирғизистон, Литва, Голландия, Россия, Япония ва бошқа бир қатор давлатлардан жами 400 нафарга яқин вакиллар иштирок этмоқда.

АКТ саммити: ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мазкур нуфузли анжуманга ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатувчи маҳаллий ва хориқлик мутахассислар, шунингдек, халқаро экспертларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Чунки бу ерда жаҳон ахборот-коммуникация бозорининг ҳозирги аҳоли, ушбу соҳада кўлга киритилаётган ютуқлар, янгиликлар, умуман, бугунги ахборотлашув жараёни-нинг ўзига хос жиҳатлари атрафлича муҳокама қилинади.

Анжуман

Шу билан бирга, тадбир, унда қатнашувчи компания ва ташкилотлар учун янгидан-янги ишончли ҳамкорлар орттириш учун ҳам қўлай фурсат деганидур. Саммитнинг дастлабки иш кунидек Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган сайё-ҳаракатлар ва бунинг натижасида зришлайётган ютуқлар иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Жумладан, анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан АКТни ривожлантиришга бағишланган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини 2010 йилгача реконструкция қилиш ва ривожлантириш» миллий дастури, «2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ҳамда «2010 йилгача маҳаллий давлат божаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш» дастури қабул қилинган ва улар ижросини таъминлаш юзасидан айни пайтда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу соҳани тараққи эттириш учун қўрилайтган Чора-тадбир-

лар юртимиз иқтисодиётининг юксалишида, аҳоли турмуши ва меҳнат фаолиятини техник қўрилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жараёнларга республикамизнинг муваффақиятли интеграциялашувида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг ролини ошириш имконини бериши айтиб ўтилди.

Хозирда Ўзбекистонда симсиз алоқа орқали Интернетга тезликда улашиш ва замонавий ВайМакс (WiMax) ҳамда учинчи авлод (3G) технологиялари базасидаги янги хизматларни кенгрок жорий этиш устида ишлар олиб боришмоқда. Умуман, Интернет тармоғига улашиш бозорида рақобатни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар туйғайли бу тизим имкониятидан фойдаланувчи ҳамкорларимиз сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, хозирда ҳар минг нафар фуқарога ўртача 81 нафар фойдаланувчи тўғри келмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда мобил алоқа абонентлари сони ҳам кўпайиб, улар 10 миллион нафардан ортиб кетди.


Албатта, бу рақам ҳали чегара эмас. Бўлиб ўтаётган саммитда, шунингдек, Ўзбекистонда АКТ соҳасида қўнчиликни тақомиллаштириш, электрон ҳужжат алмашишини тизимларини ривожлантириш, стандартлаш, ахборот хавфсизлиги, эркин ва очиқ дастурий таъминот технологияларини тараққи эттириш, бу борада ривожланган давлатлар тажрибасига оид кўплаб масалаларга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Саммит ўз ишینی 26 сентябрга қадар давом эттиради.

Ш. ЗОКИРОВ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Мажлиси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши тақдир этган кун тартибини тасдиқладилар. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мажлиси ва иқтисодий масалалар кўмитасининг 2005-2007 йиллар ва 2008 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан мазкур Кўмита раиси И. Насриев сўзга чиқди. Кўмита аҳолини иқтисодий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, унинг ишида рўйбга чиқарилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди.

Хисоботни муҳокама қилиш аяқларини бўйича Кўмитага қонун лойиҳалари сифатини ошириш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан мониторинг ўтказиш, фуқаролардан сайловчилар билан округлардаги учрашувлар пайтида, бевосита Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тўшаётган озаки ва ёзма мурожаатларга хозир-жавоблик билан муносабат-

да бўлишга доир ишларни кучайтириш топширилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш жараёнида таъкидландики, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган стратегик дастурини ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида ва пухта таъминлаш бугунги кунда парламент олдида турган асосий вазифадир. Пухта қонун ҳужжатлари кенг миқёсда ишловчиларни муваффақиятли ўтказишнинг, мамлакатимизда ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Депутатлар хисоботни муҳокама қилиш аяқларини бўйича тегишли қарор қабул қилдилар. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг аъзоси Ф. Ҳатамов «Қутқарув хизмати ва қўтқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар қўтқарув хизматлари фаолиятининг ишончли ҳуқуқий базасини яратиш, уларни фақулдада вазиятларни бартараф қилишга жалб этиш, қўйилган вазифаларни хал этишда ма-

лоийҳасини тақдим этди. Муҳокама жараёнида депутатлар томонидан билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди. Иккинчи ўқишда муҳокамага киритилган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси О. Усаров мазкур қилди. Саволларга жавоблар берилганидан сўнг ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида таъкидландики, амалдаги қонун ҳужжатига тузатишлар ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни янада пухта тартибга солиш, наشريётларни таъсис этиш ҳуқуқини тартибга солишга бир қатор ҳуқуқий нормаларни аниқлаштириш, шунингдек, амалдаги ҳуқуқий нормаларни мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларига, мазкур соҳадаги халқаро стандартлар қондаларига мувофиқлаштириш мақсадида киритилмоқда. Депутатлар ҳуқуқий ҳужжатни янада тақомиллаштиришга қаратилган тақдирлар билдирилди. Тақдирларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси муҳокамасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида давом эттиришга қарор қилинди.

(ЎЗА).

ГИМНАСТИКАЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ

Жаҳондаги нуфузли мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларимиз доимо муносиб рағбатлантириб келинади.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 8-24 август кунлари Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёғи Олимпиадада ўйинларда 58 нафар ҳамюртимиз спортнинг 15 тури бўйича қатнашиб, битта олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза (жами 6 та) медали билан норасмий умумжамоа ҳисобида 204 та мамлакат спортчилари орасида 40-ўриндан жой олишган эди.

Пекин майдонларида Ўзбекистон доврўгини дунёга таратиб, совриндор бўлганлар орасида спорт гимнастикаси бўйича икки нафар вакилимиз ҳам бор. Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида Ўзбекистон гимнастика федерацияси томонидан Олимпиада ўйинларида бронза медалларини кўлга киритган Екатерина Хилько (трамплин, батутда сақраш) ва

Антон Фокин (спорт гимнастикаси, брусда машқ бажаришни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Гимнастика федерацияси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.


(Давоми 4-бетда).



МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар



Республика Олий ҳўжалик судида ҳўжалик судларида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари қўлланишининг амалий жиҳатларига бағишланган идоралараро давра суҳбати ташкил этилди.

Божхона амалиётига бағишланди

Тадбирда бевосита давлатимиз раҳбарининг сайё-ҳаракати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, саннат қорхоналарини замонавий дастохлар билан таъминлашнинг самарали тизими яратилгани эътироф этилди. Зеро, жорий йилнинг саккизи ойи мобайнида ҳўжалик судлари томонидан божхона муносабатларини тартибга солиш учун қонунларни бузиш билан боғлиқ жами 242 та ҳўжалик низолари кўриб чиқилди. Айни пайтда, божхона идоралари жавобгар сифатида жалб қилинган ҳўжалик ишларининг 74,5 фоизи давтоғарлар фойдасига хал этилди. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар чет эл инвесторлари ва улар иштирокидаги қорхоналарга қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган имтиёзларни қўллаш жараёнида юзага келаётган айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Азамат ДўСТБОЕВ.

Намангандаги экспортчи қорхоналар ўртасида «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятининг ўз ўрни бор.

Экспорт — қорхона шаъни

Хорижий буюртмачилар билан фаол иш олиб бораётган нотўқимачилар жорий йилнинг саккизи ойида 470 минг АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотни экспорт қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 87 фоиз ўсишга эришдилар. Бундай қорхоналар сафи ортаётағиллиги вилот экспорт салоҳиятини оқсатилмоқда. Айни чоғда ўттиздан ортиқ ишлаб чиқарувчи ташкилот ўз маҳсулотини жаҳон бозорига йўналтирмоқда. Йилнинг ўтган ойлариде улар томонидан 68,8 миллион АҚШ доллари ҳажмида экспорт амалиётлари бажарилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Хоразм ипағи» очиқ акциядорлик жамияти вилотдаги пиллани қайта ишлайдиган йирик қорхоналардан бири.

«Хоразм ипағи»нинг одими

Яқинда қорхонага 241 минг АҚШ доллари миқдориде инвентария киритилиб, Хитойдан янги замонавий пилла чувиш дастохлари олиб келиб, ўрнатилди. Авваллари бу ерда йилга 60 тонна хом ипақ тайёрланган бўлса, энди 114 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилди. Ишчилар сони эса 230 нафарга етди.

Келажақда қорхона қувватини янада ошириш ҳисобига ишчилар сони 350 нафарга етказиш режалаштирилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқ ҳўжалиги машиналарини сошлашга ихтисослашган «Шўрчи таъмирлаш заводи» маҳсулини чекланган жамияти жановаси култивация ва севалка агрегатлари бутловчи қисмларини бозордан сотиб олмайдиган бўлди.

Ҳам таъмир, ҳам таъминот

Босиш, анди улар қорхонаниннг чўян эритиш цехида тайёрланмоқда. — Пахтачи қайта ишлаш ускуна-механизмлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар олаётгани, — дейди бош муҳандис Қосим Абдурахмонов. — Бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг бир ярим-икки бараварга ошириш имконини беради.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Карманда озиқ-овқат санвати мутахассислари тайёрлайдиган касбуна қорхона коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги ўқув даргоҳи

«Шарқ қурилиш сервис» МЧК қурувчилари бунёд этган ушбу ўқув масканида етти йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Тумандаги Дўрмонча ва бир қатор қишлоқларда яшовчи ёшлар ўқув машғулотларига қатнаш бошладилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

Маълумки, жорий йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг олтинчи йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланади. Мамлакатимиз учун ушбу сана ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, бу Истиқлол йилларида Ўзбекистон қўшилган илк халқаро ҳужжат бўлиши билан бирга, юртимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини кафолатлашда дастуриламал вазифасини бажармоқда.

демакдир". Ҳозирги эркин сезиш, ўз ҳаётини қуришда катта ҳуқуққа эгалик инсон ҳуқуқларининг асосий гоёси ҳисобланади. Мамлакатимиз учун ушбу сана бўлса, Декларациянинг Мустақил Ўзбекистон учун нечоғли аҳамиятли бўлганини аниқлаш мумкин.

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг вазифаси раҳнамолигида инсон ҳуқуқлари гоёсини мамлакатимиз қонунчилиги мазмун-моҳиятига қатъий риоя қилинаётганини таъкидлаш. Қатнашчиларнинг 94,7 фоизи ўз ҳуқуқлари етарли даражада ҳимоя қилинмоқда, деб ҳисоблаш ҳам бўлиши мумкин.

Декларациянинг 18-моддасида белги-ланган ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқининг амалий икроси ҳисобланади.

ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган иш-чора тадбирлар — конференциялар, анжуманлар, семинарлар ташкил қилинмоқда. Зарур рисолалар, ҳуқуқий дарсилар чоп этилаётди. Бу борада олиб борилаётган кенг қамровли иш-лар самараси ўлароқ, аҳолининг мазкур ҳужжатлардан бохабарлиги янада ошди. Чунки, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентларнинг деярли барчаси (97,2 фоизи) Президент Фармонидан хабардор экан. Шу билан бирга, декларация мазмун-моҳияти билан фуқароларнинг

51,6 фоизи таниш эканлиги тарғибот-ташвиқот ишларининг тўғри ташкил этилаётганидан, кишилар ҳуқуқий саводчилигини ортаётганидан дарак беради.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат ўзининг чуқур фалсафаси ва демократик давлатлар ҳуқуқий тизими асосини ташкил этиши билан ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган мазкур халқаро ҳужжатга мамлакатимиз 1991 йил 30 сентябрда қўшилдики, бу ўзига хос маънога ҳам эга. Зотан, унинг туб моҳиятида мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари ўзаро чамбарчас боғлиқ тушуна сифатида муассамлашган. Юртбошимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, "Мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улғу ҳуқуққа эга бўлиш деган тушуна ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-маънотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам

сингдириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Аввало, Асосий Қонуни-миз — Конституцияни таъйинлашда Декларациянинг барча иқобий жиҳатларидан самарали фойдаланилди. Унинг муқаддимасидаёқ, инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча принциплал қондалари мамлакатимиз Асосий Қонунда ўз аксини топди.

Хусусан, Конституцияда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар пировад таъминли сифатида эътироф этилди. Унга мувофиқ, инсон манфаати давлат манфаатидан устун туриши муҳрлаб қўйилди. Бу ҳолида ўтган йиллар давомида амалга оширган ишларимиз, ислохотларимизнинг ўзигага айланди.

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Истиқлол йилларида халқимизнинг сайлов ва сайловчи, депутат ваколати ва унинг вазифалари ҳақидаги тушунчаси тақомилга етиб бормоқда. Бунинг билан депутатлар билан учрашувлар чоғида, айниқса, кузатиш мумкин. Биз ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан бораётган эканми, ватандошларимизнинг бу борадаги фаоллиги ниҳоятда муҳим. Зеро, халқимизнинг сиёсий фаоллашуви ҳамда юртимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашишида маҳаллий кенгашлар депутатларининг ҳиссаси катта бўлаётди. Бунинг билан депутатларнинг ҳам тасдиқлайди.

Файзулла ОХУНЖОНОВ, Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши депутати: — Мустақиллик йилларида маҳаллий депутатларнинг давлат бошқарувидаги фаоллиги ошди. Улар бюджетни шакллантириш, бошқарма ва бошқарма идоралар ишлари ташкил қилишда бевосита иштирок этмоқда. Бундан ташқари, сайловчилар депутатлар билан буладиган учрашувларга мажбуран эмас, балки ўз хо-ҳиш-иродаси, муҳими, шахсий ташаббуслари билан келишмоқда. Буларнинг барчаси эркин фуқаролик жамияти сари тасаввур этиш бўлмайди.

рилганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Табиийки, депутат сифатида жонажон шаҳримизнинг ҳар жиҳатдан ривожланишига ҳисса қўшиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

Маҳаллий кенгашларда

Ҳақиқатда, депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Кенгаш раиси раҳбарлигида ташкил этилган депутатлар корпуси йилгилиш ишлари кўпроқ депутатларнинг иш жойларида ташкил этилади. Мақсад — турли касб эгалари бўлган депутатларимизнинг бир-биридан иш ўрганишига, тажриба алмашишига қўмақлашиш. Шунингдек, мазкур учрашувларда Президенти

ҳақида ҳукумати томонидан қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва ҳаётга татбиқ этиш йўллари ҳусусида сўз юритилади. Шу билан бирга, депутатлар амалии ҳаётда учрайдиган бирон бир муаммоли масала ўртага ташланади ҳамда кўпчилик кўмагида муаммо ечими топилади.

Депутат сўровининг йўлга қўйилгани сайловчилар билан алоқамизини янада мустақамламоқда. Яқинда ана шундай сўров натижасида "Яккатут" маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Мақсудахон Жалоловага ногиронлар аравачаси сотиб олишда кўмақлашди. Янги ўқув йили арафасида 11-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Исламжон Солиевга 75-автокорхона ҳисобидан замонавий компьютер совға қўйилди. Яна бир мисол: Найман қишлоғилик Раҳмонли Аҳмедова ёниб кетган уйини қайта тиклашда яқиндан ёрдам берилди. Бу каби мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Маҳаллий бюджетни шакллантириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссия аъзоси бўлганим боис, маҳаллий масалалар ҳам диққат марказимизда туради. Масалан, бир қанча маҳалла-ларда коммунал тўловнинг кўнгилдагидек эмаслиги сабабли газ, электр ва сув таъминотида узиллишлар бўлиши аниқланди. Шунда биз сайловчилар билан учрашиб, мазкур муаммо ечими барчамизнинг савий-харакатимизга таъин қилинишига умид қилишимиз мумкин.

Тўғри, булар депутатнинг асосий вазифаси эмас, лекин халқ унга ишонч билдириб, сайлагандан кейин, эл қорига яраш керак, деб ҳисоблаймиз.

Забит АХМЕДОВ, Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати: — Мустақиллик йилларида юртимизда, хусусан, Самарқандда амалга оширилган ободончилик, бунёдкорлик ишларининг кўлими ниҳоятда катта. Аслида, асрларга таътиглик ишлар амалга оши-

Истиқлол халқимизга эркин фикрлаш, ошқора сўзлаш ва ўз ҳуқуқларини аниқлаш имконини берди. Бу, айниқса, сайлов жараёнида, депутат ва сайловчиларнинг учрашувларида яққол кўзга ташланаётди. Шу сабаб, сайловчи ўзи маълум қўрган ва ўзи ишонган номзодга овоз бермоқда. Ваколатини чуқур аниқлаган депутатларимиз ўз уринларини халқ орасида, деб билаётгани қувонарлиқдир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.

Яхши хабарлар

Урганч шаҳрида маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун семинар ўтказилди.

Журналистлар малака оширишлари

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Тошкентдаги журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда соҳанинг бугунги долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, тезкор ва таъсирчан хабарлар, ўқишли, таҳлилий мақолалар тайёрлаш ҳақида маърузалар тингланди, амалий машғулотлар ўтказилди. Семинар давомида мавзуга оид ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Энг намунали оила

Фарғонада «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбир оила саломатлиги ва ҳамжиҳатлиги бағишланди.

Унда «Саломатлик» маркази ходимларининг чиқишлари, ёш спортчиларнинг маҳорат кўрсатишлари, тиббиётда биринчи ёрдам қўрсатиш машқлари, турли-туман виқториналар қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир сўнггида вилоятда ўтказилган «Энг намунали оила» кўрик-танлови голиблари тақдирланди. Унга кўра, асосий совринга ўқувчилик Отақоновлар оиласи муносиб кўрилди. «Спортчи оила» номинациясида эса Голиблик Фарғона шаҳридан Дежонқовлар оиласига насиб этди.

Тадбирда вилоят ҳокими М. Ғофуров қатнашди.

Нобижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Консерва кўпаяди

Рашид Тўхтаров раҳбарлик қилаётган «Махсус таъминот консерва» корхонасида гўшти ва балқилли консервалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ёқилғи-Энергетика ютуқлари намойиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, энергетика тизимини техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш ҳамда модернизация қилиш ишлари-га яқин тўрт йилда ички инвестициялардан ташқари, 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий сармояси жалб этилиши мўлжалланаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир. — Натижада электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, ундан фойдаланиш самардорлиги янада ошди. Мутахассисларнинг айтишича, бу жараёнда тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётилади.



Соҳа мутахассислари «Power Uzbekistan — 2008» халқаро кўرғазмисини мамлакат ёқилғи-энергетика тармоғининг бош тадбири, дея эътироф этишмоқда. Нега деганда, кўрғазма ишида нафақат иссиқлик, электр ва гидроэнергия ишлаб чиқарувчи замонавий технологиялар намойиш этиляпти, балки иштирокчилар соҳанинг сўнгги янгиликларидан воқиф қилинаёти. Бошқача айтганда, кўрғазма мутахассисларнинг касб малакасини оширишда ўзига хос услуб вазифасини ўта-

трансформаторлар, электр-монтаж жиҳозлари, кабель, сим ва аксессуарлар, электр-изоляция материаллари ҳамда изоляторларни кўриш мумкин. Айниқса, экспозициянинг «Ёруғлик техникаси» бўлими одамлар билан гавжум. Чунки бу ерда нафақат санаотда, балки рўзгорда қўлланиладиган турли-туман ёриткичлар, электр-қурилма буюмлари, электрон ўлчаш асбоблари намойиш этилаётди.

Кўрғазманинг дастлабки кун ишчан рўхда ўтди. Томонлар ўртасида кўллаб ишлаб чиқариш-технологик, савдо-иқтисодий келишувларга эришилди. Аслида кўрғазмадан кўзланган мақсад маҳаллий ва хорижий корхоналар ҳамда инвесторлар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш, тармоқ ишлаб чиқаришнинг жадаллаштириш учун янги мижоз ва ҳамкорларни жалб этишдир.

Халқаро кўрғазма 25 сентябрга қадар давом этади.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: кўрғазма ишидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Омонатларни кафолатлаш тизими: БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ГАРОВИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётида банкларнинг ўзига хос ўрни борлиги амалда исботланди. Зеро, улар турли тўловларни амалга ошириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида инвесторлар ва қарз олувчилар ўртасида воситачи сифатида фаол иш олиб бориб, мижозларнинг ишончини оқлаган ҳолда, тизим барқарорлигини таъминлашга эришмоқдалар.

— Ушбу йўналишда, очик айтиш кераки, фақатгина 2007 йилнинг ўради республикамиз Президентининг «Аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Банкларнинг капиталлашу-вини янада ошириш ва иқтисодиёт-ни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, жорий йилнинг февраль ойида қабул қилинган «Тижорат банкларидан аҳоли омонат-лари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Фуқаролар-

нинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни дастуриламал вазифасини ўтамоқда, — деди Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди бош мутахассиси К. Иса-хонев биз билан сўхбатда.

Шу ўринда янги Қонунга алоҳида тўхталиб ўтишга тўри келади. Чунки мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишидан иккита асосий мақсад кўзланган. Биринчиси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, яъни банкларга бўлган ҳўқуқ ва қонуний талабларини ҳимоялашга қаратилган бўлса, иккинчиси аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш орқали уларнинг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни рағбат-лантиришдан иборатдир.

Ушбу Қонун иқросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги «Фуқаро-ларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қону-ни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори билан республи-камизда Фуқароларнинг банкларда-ги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилиб, омонатларни кафо-латлаш тизими фаолиятига асос солинди.

— Айтинчи, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонднинг асосий вазифалари нимагадир? — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар-

нинг мамлакат банк тизимидаги омонатларини кафолатлаш ва банк тўлов қобилиятини йўқотиб, ундан банк операцияларини амалга ошириш ҳўқуқини берувчи лицензия чакриб олинган тақдирда, унинг тўла-тиқ комиссияси белгиланган тартиб-да фондга мурожаат этади.

Жумладан, Ўзбекистонда фонд маблағлари ҳисобидан бир омонатчига тўлаб берилмаган маб-лағ миқдорини ҳисоблашда унинг пропорционал модели жорий этилган. У республикада мавжуд энг кам иш ҳақи миқдорига боғ-лиқ. Дейлик, бир омонатчининг омонати энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан бўлса, фонд ҳисобидан ушбу омонат тўлиқ ҳажмда, агар омонат миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг 100 ба-робаридан кўп бўлса, 100 баро-бардан ортик қисмининг 90 фо-изи, лекин энг кам иш ҳақининг 250 баробаридан ортик бўлмаган миқ-дорда белгиланган.

Маълумки, Президентимизнинг Фармонида мувофиқ, ҳар йили энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ортик бормоқда. Хусусан, 2008 йилда энг кам ойлик иш ҳақи миқдори икки ба-робар оширилиши муносабати билан жорий йилнинг 1 сентябрдан бошлаб фонд ҳисобидан бир омо-натчига тўлаб берилмаган маблағ миқдори 6260 миң сўми ташкил

этди. Яъни, йил бошидаги кўрсаткич-га нисбатан 34,4 фоиз ошди.

— Фонд маблағи ҳисобидан фуқаро ўз омонатини олиш учун кимга ёки қаерга мурожаат қилиши мумкин? — Албатта, банкка, мабодо, банк тўлов қобилиятини йўқотиб, ундан банк операцияларини амалга оши-риш ҳўқуқини берувчи лицензия ча-қуриб олинган тақдирда, унинг тўла-тиқ комиссияси белгиланган тартиб-да фондга мурожаат этади.

Шундан кейин фонд тақдим этил-ган маълумотларни ўрганиб чиқиб, Марказий банк билан келишилган ҳолда, маблағларни тўлаб берувчи агент-банкни танлайди ва бу ҳақда матбуотда эълон қилинади. Омонат-чилар ўз омонатлари бўйича маблағ олиш учун агент-банкка мурожаат этадилар. Агент-банк, омонати ўз шахсини ва тугатилган банкда омонати борлигини тасдиқловчи ҳўж-жатларни қўрсатган тақдирда, омо-нат бўйича маблағларни тўлайди. Шу йўсинда омонатлар бўйича маблағ омонатчиларнинг қўний вақиларига ёки уларнинг ҳўқуқий ворисларига ҳам тўланади.

Дарҳақиқат, омонатларни кафолат-лаш тизими жорий этилиши билан-нинг барқарор фаолият юритишида муҳим омили бўлди. Бинобарин, омо-натчиларга банк тўлов қобилиятини йўқотган тақдирда унда маблағ бор-ми ёки йўқми — ўз омонатларини фонд ҳисобидан олиш имконияти берилди.

«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ сўзлашди.

24 соат ичида

ЖАҲОН

Сингапур Миллий университетда олиб борилган тадқиқотларга кўра, мамлакатдаги корхона ва ташиқлотлар офисларида фаолият юритувчиларнинг аксарияти меҳнат унвондорлигини интернет хизмати билан боғлашмоқда.

Унвондорлик боиси

Гап шундаки, сўрономада илтироқ эътиборнинг 57 фоизи интернет саҳифаларидан олаётган маълумотлари уларни янада яхшироқ ишлашга ундаётганини айтиб ўтишган. 75 фоиз киши эса шу орқали баъраётган ишлари янада кўзи-карли келишини билдирган.

Бугунги кунда мамлакатдаги корхона ва ташиқлотлар идораларида меҳнат қилаётган эркаклар кунига ўртача 61, аёллар эса 46 дақиқа интернетдан фойдаланишмоқда.

Довул йўналиши ўзгарди

Филиппинда юз берган «Хагупит» довули бир қанча нохушликларни келтириб чиқарди. Мазкур табиий офат оқибатида 120 хонадон вайронга айланган.

Мамлакатнинг баъзи туманларида сув тошқини хавфи бор. Шу боис, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган. Айни пайтда «Хагупит» йўналишини Хитой томон ўзгартирган. Табиатнинг бу инжиқлиги Филиппинда уч кишининг умрига зомин бўлди.

Текширишлар олиб борилмоқда

Туркиянинг Измир шаҳрида касалхонада бир сўхтада 13 чаққон нобуд бўлган.

Бу ҳақда «Sky News» маълум қилди. Мамлакат газеталарида ёзилишича, гўдаклар ўлимга уларнинг барвақт туғилгани сабаб бўлган. Шаҳар соғлиғини сақлаш бошқармаси бошлиғи Меҳмет Озканнинг сўзларига кўра, бу ҳолат юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда ва тез кунда якуний ҳулоса эълон қилинади.

Меҳмонхонадаги нохушлик

Испломобод шаҳридаги «Marriott» меҳмонхонасида рўй берган ҳодиса оқибатида салкам 60 киши ҳалок бўлди, дея хабар беради «AFP». Қурбон бўлганлар орасида Чехиянинг Покистондаги элчиси ҳам бор.

Жангари меҳмонхона жининга машинада катта тезликда бостириб келиб, портловчи қурилмани ишга туширган. Кучли портлаш натижасида бинода ёнғин юзга келган. Ҳозирча ушбу ҳунрезликни бирор бир гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кузатаётган бўлсангиз, сўнгги вақтларда дунё оммавий ахборот воситалари хабарларида табиий офатлар билан боғлиқ мавзу асосий ўринлардан бирини эгаллади. Хусусан, жорий йилнинг фақатгина сентябрь ойи биринчи ярмидаёқ ер юзининг турли нуқталарида содир бўлган ўнлаб табиат инжиқликлари нафақат бир мамлакат, балки жаҳон иқтисодиётига ҳам жиддий зарар келтирди. Энг ачинарлиси, бундай офатлар минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

ТАБИАТ ИНЖИҚЛИКЛАРИ

инсониятни огоҳликка чорламоқда

Масалан, шу ой бошларида АҚШ-да юз берган «Густав» тўфони мамлакатда анчагина муаммо туғдирди. Мазкур табиий офат сал аввалроқ Куба, Гаити, Доминикан Республикаси ҳамда Мексиканинг бир қанча нефть конларига жиддий зиён етказганди. Гаитида кузатилган «Ханна» тропик тўфони эса сув тошқинларини келтириб чиқариш баробарида, афсуски, 136 кишини ҳаётдан олиб кетди. Буюк Британияда ҳам худди шундай табиий офат қайд этилди. Келиб чиққан сув тошқинлари иқтисодий зарар билан бирга, саккиз кишининг берақт ўлимига сабаб бўлди. Ҳеч қутилмаганда Африка қитъасининг Кей-нун давлатида ёққан қор барчани ҳайратта солди. Чунки, одатда, бу мамлакат табиатида қорли мавсум кузатилади.

АҚШ иқтисодиётига 18 миллиард доллардан кўпроқ зарар етказди. Қўриқиб турганидек, қайд этилаётган табиий офатлар жиддий муаммоларга сабаб бўлаётти. Айрим кузатувчилар табиатнинг бундай инжиқликларини мавсум билан боғлиқлигини, яъни одатда йилнинг шу даврида тўфон ва сув тошқинлари кузатилишини айтишмоқда. Ушбу фикрлар бир жиҳатдан асосли, албатта. Лекин атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланувчи экспертларнинг фикрича, катта ҳажмда тез-тез содир бўлаётган бундай ҳодисаларнинг асли илдири бугунги кунда барчага маълум бўлган глобал иқлим ўзгариши асоратларидир. Хусусан, сўнгги йилларда атроф-муҳитта чиқарилаётган карбонат ангидрид, метан ва азот сингари газлар микдорининг ортиши иқлимда ана шундай қалтис ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бунинг оқибатида, ҳаво ҳарорати кўтарилди,

қутблардаги музликларнинг ҳам эришга, денгиз сувлари сатҳининг кўтариллиши, тулпор емирилиши ёки кучи-қуви содир бўлишига сабаб бўлмоқда. Масалан, глобал иқлим ўзгариши оқибатида сўнгги йилларда дунёда 13 та ўсимлик тури йўқолиб кетди. Агар шу зайдда давом этадиган

бўлса, келгуси ўн йил ичида бу ҳолат ундан бир неча қарра юқори бўлиши тахмин қилинмоқда. Яъни, 500 га яқин ўсимлик тури нобуд бўлиши эҳтимоли бор. Қуш турларининг қайиби кетишига ҳам айнан ҳароратнинг ўзгариши сабаб бўлмоқда.

Олимларнинг сўнгги эллик йил ичидаги кузатувларига кўра, ҳароратнинг ортishi деярли ўнлаб бўлмас дара-



жага етиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бу жараён давом этиши оқибатида асримиз сўнгига бориб ер юзидagi ҳарорат 2 даражага кўтарилади. Бу жуда катта ҳурасат. Жаҳонга машҳур «Science» журналида эълон қилинган маълумотларга кўра, табиатдаги бундай ўзгаришлар туфайли Антарктида музликлариди ҳаво ҳарорати ҳар ўн йилда ўртача 0,5 ва 0,7 даражага ортиб бормоқда. БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза этиш дастури (UNEP) томонидан тайёрланган маърузада ҳам ер юзидagi музликларнинг эриб кетгани ҳақида кишини хавотирга солувчи далиллар келтирилган. Жумладан, 1996-2005 йилларда олиб борилган тадқиқотларга кўра, музлар қарийб ярим метрга қайишган. XXI аср охирига келиб эса дунёдаги музликларнинг асосий қисми эриб кетиши тахмин қилинмоқда. 1960 йилдан бери олиб

борилган кузатув ҳулосалари ҳам шундан далolat бериб турибди. Бугунги кунга қадар жанубий ярим шардаги жами музликлар ўн фоизга қайишган. Ўтган юз йиллик ичида ана шундай ўзгаришлар оқибатида денгиз сатҳи 10-25 сантиметрга кўтарилган. Юқорида айтганимиздек, буларнинг барчаси дунёнинг қайсибир бир ерида сув тошқинлари ва тўфонларга, бошқа бир жойида эса қурғоқчиликка сабаб бўлмоқда.

Муҳтасссларнинг фикрича, глобал иқлим ўзгариши фақат табиатга эмас, инсон соғлиғига ҳам ўз таъсирини ўтказаркан. Яъни, ҳароратнинг кўтарилиши юрак ва қон томчилари фаолиятининг бузилишига, шунингдек, одамда аллергия касалликлари пайдо бўлишига олиб келаркан.

Бугун дунёда юқоридаги ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган бир қанча ҳужжатлар қабул қилинган. Ташкил этилаётган йирик анжуманлар, тадбирларда ҳам глобал иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш ҳақида фикрлар билдирилади. Бироқ, ҳали хануз айрим мамлакатларда атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли газлар микдори қайишганича йўқ. Гарчи, бугун офатлар келтирган зарарларнинг ўрнини қоплаш имкони бўлса-да, кейинчалик бу хатоларни тўлатишнинг мураккаб иложи топилмастлиги мумкин. Буни ҳар бир мамлакат, ҳар бир киши чқур англаши лозим.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Интилиш

Ёш тадбиркор – кўрик-танлов ғолиби

Қарши шаҳридаги «Yagen Servis» масъулия-ти чекланган жамияти раҳбари Ҳасан Муродов ёш тадбиркорларнинг республика кўрик-танловида ғолиб чиқди.

У тайёрлаган бизнес-режа самарадорлиги, худудга замонавий технологияларни олиб келишга йўналтирилганлиги ва амалий натижаларга асосланганлиги билан экспертларнинг юқори баҳо-сига сазовор бўлди.

«Микрокредитбанк» томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган бу кўрик-танловда биринчи ўрин Ҳасанга берилганлиги бежиз эмас. Эеро, 25 ёшли тадбиркор микролизинг йўли билан Хитойда ишлаб чиқарилган, кийимларни кимёвий усудда тозалаш ускунаси ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «Eco Silver» кир ювиш машинасини сотиб олган эди. Шу йил март ойида ишга тушган корхона хозиргача 2 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатди. Ёш тадбиркорнинг бизнес-режасида шаҳарнинг турли худудларида машиий хизмат кўрсатиш корхонаси тармоқларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

1. Республика Кўчмас мулк биржаси Самарқанд вилоят филиали Самарқанд шаҳридаги, «Нафис» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг 14-07-10/5730-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Нафис» ОАЖ кредиторларининг 2008 йил 1 июлдаги 5-сонли йиғилиши қарорига асосан, жамият балансидаги тайёр маҳсулот, материаллардан ташқари барча асосий воситалар (жумладан, транспорт воситалари ҳам) ва қимматли қозғоқлари бир бутун мажмуа сифатида кўйилади. **Бошланғич баҳоси — 4 791 197,2 (тўрт миллиард етти юз тўқсон бир миллион бир юз тўқсон етти минг икки юз) минг сўм.** Манзил: Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 17-уй.
2. Самарқанд шаҳридаги «Троллейбус саройи» ШК тугатиш бошқарувчиси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг 2007 йил 6 июндаги 06/4383-сонли қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган ва Самарқанд шаҳридаги «Троллейбус саройи» ШК кредиторларининг 2008 йил 10 сентябрдаги 5-сонли йиғилиш қарорига асосан, қуйидаги мол-мулклар қўйилган: **А) Трансформатор ва ускуналар.** **Бошланғич баҳоси — 24 860 495 (йигирма тўрт миллион саккиз юз олти миш минг тўрт юз тўқсон беш) сўм.** **В) 9 (тўққиз) та троллейбус.** **Бошланғич баҳоси — жами 95 756 235 (тўқсон беш миллион етти юз эллик олти миш икки юз ўттиз беш) сўм.** Манзил: Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 8-уй.

Аукцион савдоси 2008 йил 23, 30 октябрь ҳамда 4, 11, 18 ноябрь кунлари соат 11.00 да мулкий мажмуа сотилгунга қадар мунтазам равишда Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-А уй, Давлат Мулки қўмитаси вилоят худудий бошқармаси биносининг 510-хонасида бўлиб ўтади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган микдориди зақалат пулини аукцион ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ДАТ Асака банк Самарқанд вилоят филиали 20210000500571452071, код 00264, СТИР 200933850

Аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади. Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган микдориди зақалат пулини аукцион ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ДАТ Асака банк Самарқанд вилоят филиали 20210000500571452071, код 00264, СТИР 200933850.

Кўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасининг Самарқанд вилоят филиалига мурожаат қилиш мумкин. Телефонлар: 233-80-56, 233-80-11.

Лицензия: DB 001 № 000004

ҲУҚУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН УН, ПАХТА ЁҒИ ҲАМДА ҚОЛИПЛИ НОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАРХЛАРИ КҲЙИДАГИ ТАРТИБДА ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН:

Маҳаллий пахта ёғининг чекланган чакана сотилиш нархлари	
Пахта ёғи тури	Белгиланган нархи
Қадоқланмаган, 1 кг	1500 сўмгача
Қадоқланган ҳидсизлантирилмаган (недезодорированное), 1 л	1750 сўмгача
Қадоқланган ҳидсизлантирилган (дезодорированное), 1 л	1850 сўмгача

Маҳаллий унинг чекланган чакана сотилиш нархлари	
Ун нави	Белгиланган нархи, 1 кг учун
Олий навли	550 сўм
1 навли	400 сўм
2 навли	365 сўм
Ўзбекистон нави	380 сўм

Маҳаллий ундан тайёрланган қолипли ноннинг чакана сотилиш нархлари		
Нон маҳсулоти нави	1 донасининг вазни	Чакана нархи, 1 дона
Бўғдой ундан олий навли	700 гр	380 сўм
Бўғдой ундан олий навли	600 гр	340 сўм
Оқ нон (1-навли, қолипли)	600 гр	250 сўм

Савдо корхоналари ушбу маҳсулотларга тегишли нархномалар қўйилишини ҳамда белгиланган нархларда сотилишини таъминлаши шарт. Ушбу талабларга амал қилмаслик савдо корхоналарининг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

Агарда ун, пахта ёғи ҳамда қолипли нон маҳсулотларига савдо корхоналари томонидан белгиланган нархлардан ошириб сотиш, белгиланган микдор кўрсаткичлари, яъни вазнида фарқ ёки нархномалар қўймаслик ҳолатлари мавжуд бўлса, сиз Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз!

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

т/р	Худудлар	Коди	Ишонч телефонлари	Масъуллар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	8 (361)	222-30-11	А. Шагилова
2.	Андижон вилояти	8 (374)	222-17-01	У. Қодиров
3.	Бухоро вилояти	8 (365)	223-70-48	И. Қўличев
4.	Жиззах вилояти	8 (372)	226-10-01	Қ. Амиров
5.	Қашқадарь вилояти	8 (375)	226-24-01	М. Ҳамраев
6.	Навоий вилояти	8 (436)	226-11-74	Д. Остонов
7.	Наманган вилояти	8 (369)	233-29-56	Б. Турсунова
8.	Самарқанд вилояти	8 (366)	35-88-44	Ф. Файзиев
9.	Сурхондарь вилояти	8 (376)	223-63-25	А. Умбаров
10.	Сирдарь вилояти	8 (367)	225-07-30	Ш. Ҳолбоев
11.	Тошкент вилояти	8 (371)	241-67-98	Г. Абдуллаева
12.	Хоразм вилояти	8 (362)	226-30-93	И. Атажанов
13.	Фарғона вилояти	8 (373)	224-08-25	М. Мелибоев
14.	Тошкент шаҳри	8 (371)	233-09-39	Ш. Махаммадалиев
15.	Қўмита марказий аппарати	8 (371)	239-47-15	О. Махмудов

ҲЕЧ БИР ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ МУРОЖААТИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИЛМАЙДИ. СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНГАН.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташувчи учун махсус УАЗ-39625.

Юк ва йўловчи ташувчи

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун хажмли УАЗ-3909, 4x4 МРВ: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962, автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, қафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кўшимча кабинали УАЗ-39094.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

SONATA **Ўз йўлингни танла!**

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel.: 250-11-11.

Drive your way

Спорт • Sport • Спорт • Sport

ГИМНАСТИКАЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, Екатерина Хилько 1990 йилдан буён гимнастика билан шуғулланиб келади. У Сидней ва Афина Олимпиадаларида ҳам иштирок этган. Пекин Олимпиадаси Екатеринбург учун омадди келди. У трамплин (батутда сакраш) бахсларида 36,9 балл жамғариб, бронза медали билан тақдирланди. Кумуш медаль билан фарқ бор-йўғи 0,1 баллини ташкил этди.

Антон Фокин спорт гимнастикаси билан саккиз ёшдан бошлаб шуғулланади. Антон биринчи марта Олимпиада ўйинларида ўз омадини синаб кўрди. У брусда машқ бажариш беллашуларида 16.200 балл жамғариб, XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг бронза медалини кўлга киритди.

Тантанали маросимда таъкидландики, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида бундай натижани кўлга киритиш осон

эмаслиги барчага аён. Зеро, бу, Президентимиз томонидан спортга берилган катта эътибор самарасидир. Албатта, уларнинг ғалабалари миллионлаб ўзбекистонликларни руҳлантириб юборгани аниқ. Қолаверса, спортта эндигина ошно тутинаётган минг-минглаб ёшларимиз улар сингари оламшумул ютуқларга эришишни мақсад қилган бўлсалар, ажабмас.


Ўзбекистон Гимнастика федерацияси томонидан Екатерина Хилько ва Антон Фокинларга "Матиз" автомобиллари совға қилинди.

Тадбир сўнггида Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анкумани уюштирилди. Унда айтилишича, "Универсал" спорт саройида эндиликда махсус гимнастика маркази ташкил этилади. Шу муносабат билан марказга Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт гимнастикаси ва бадий

гимнастикага мўлжалланган спорт ускуналари ўрнатилди. Пойтахтимиздаги 14-Болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаби эса мамлакатимиз терма жамоасининг асосий базасига айлантирилди. Шунингдек, янги Олимпиада цикли — "Лондон — 2012"га спортчиларимизни тайёрлаш, бу борада Хитой тажрибасини ўрганиш ва бошқа муҳим масалалар ҳақида ҳам журналистларга батафсил маълумот берилди.

"Универсал" спорт саройида ташкил этилган байрам тадбирида бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, акробатика, трамплин бўйича энг моҳир спорт усталари, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ва иктидорли спортчилар муррабб гимнастика машқлари асосланган ўз чиқишларини намойиш этдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН БАҲРАМАНД ЁШЛАР

Юртимизда келажакимиз ворислари бўлмиш ёшларнинг замонавий шарт-шароит асосида ўқиб илм олишлари учун барча имкониятлар етарли. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида қад ростлаётган, қайта таъмирланиб, чирой очаётган таълим даргоҳлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

Кувасой шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳам таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқлар, ўқувчиларнинг билим ағаллаши йўлида яратилган юксак шарт-шароит жиҳатидан вилоятда тилга тушган илм даргоҳларидан саналади. Зеро, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурда белгиланган вази-ларни изчиллик билан амалга ошираётган мазкур таълим маскани мустақам моддий-техник базага эга. Мактабда иктисодий ва математика, рус тили, физика фанлари ҳамда хорижий тиллар чуқур ўргатилади.

Утган йили қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган мактаб-интернат бағ-

рида кенг ва ёруғ синфхоналар, турли маданий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган мухташам зал, ўқув устахонаси, ахборот-ресурс маркази сингари қулайликлар муҳайё қилинди. Натихада, 240 ўринли ўқув биносининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги бунёд этилган ёпиқ сув ҳавзаси эса ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун яратилган яна бир имкониятдир. Бинобарин, бугунги кунда мазкур илм масканида ўқувчиларнинг билим олишлари, касб-хунар ўрганишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.

Суратда: мактаб-интернатдан лавҳа.

Муқддас ҚОДИРОВ (Ў.З.)
олган сурат.

Болажонларга армуғон

Гулистон шаҳридаги 3-мактабгача таълим муассасасида ўтган йили қиш мавсумида айрим ноқулайликлар юз берган эди.

Гулистонлик тадбиркор Қажор Рустамов ярим йил ичида борча биноси томини бутунлай қайтадан ёпиб, бу ердигиларни хотиржам қилди. Шунингдек,

бинонинг иситиш тармоқлари ҳам янги-си билан алмаштирилди.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом турмуш тарзи тарғиботи

Қарши шаҳрининг Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи бир кун давомида «Оила саломатлиги» марафони қатнашчилари билан гавжум бўлди.

«Биз соғлом турмуш тарфдоримиз» шиори остида ўтган ушбу хайрия тадбири «Аёллар кенгаши» республика жамоатчилиги ташкилоти уюштирди. Тадбир оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўз иктидорини тўла намойиш қилиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши, ёш авлоднинг маънавий ва jisмоний баркамол бўлиб вояга етишига қаратилган лойиҳалар кўпчилиги эътирофига сазовор бўлди.

Марафон доирасида «Энг намунали оила» кўриктанловининг вилоят босқичига яқун ясалди. Ғолибликни кўлга киритиш учун 13 та оила аъзолари беллашдилар. Китоб туманидан Фарҳод Жалилов оиласи биринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши маҳалла» танлови ғолиблигини аниқлашда эса ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар алоҳида ҳисобга олинди. Маҳалла хунармандлари, пазандаларнинг маҳсулотлари кўргазмаси танловга янада кўрк бағишлади. Спорт мусобақалари энг чаққон ва эгчил қатнашчиларни аниқлаб берди.

Б. НОҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилоятида «Дадам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шиори остида мусобақанинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда туман ва шаҳар миқёсидаги беллашуларда ғолибликни кўлга киритган 20 та оила аъзолари омадларини синаб кўришди. Якуний натижаларга кўра, ўрта-чирчиқлик ёшлар оиласи биринчи, куйиччилик Хусановлар оиласи иккинчи, занғиталик Исҳроқовлар оиласи учинчи ўринни эгаллади. Мусобақа қатнашчилари ҳамда совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

А. ХАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Футбол

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси 25 минг фунт-стерлинг миқдорда жаримага тортилди.

Кўпол ўйин учун жарима

Мамлакат футбол ассоциациясининг бундай қарорга келишига «қизил иблислар»нинг «Челси»га қарши кечган баҳода ўта кўпол ўйин намойиш этганликлари сабаб бўлган. Уша учрашувда Алекс Фергуссон шогирдларидан етти нафари ҳакам томонидан сариқ карточка билан «сыйланганди». Англия футбол ассоциациясининг қонун-қоидаларига мувофиқ, бир учрашувда қайси бир жамоадан олти нафардан кўп футболчи жазоланса, ўша жамоа тўғридан-тўғри жаримага тортилди.

Эслатиб ўтамиз, Лондонда бўлиб ўтган ўйин дуранг (1-1) натижа билан аяқланганди.

Рамзий тумор тақдимоти

Йоханнесбургда 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг рамзий тумори тақдимоти бўлиб ўтди. Ташкилотчилар қитъа аъналаридан келиб чиқиб, леопард хайвонини ана шу нуфузли турнирнинг рамзига айлантиришни маъқул кўришди. Унга Закуми, дея ном берилди.

Шунингдек, тадбирда Жаҳон чемпионати фақатгина футболни тарғиб қилишдан ташқари, қитъанинг маданияти, табиати ва ўзига хосликларини ҳам тарғиб этиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Ф. АБИЛОВ тайёрлади.

ЯНГИЛИК **ТРАНСАЭРО**

«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН ИМТИЁЗАН ТРАНСИТ ТАРИФЛАРИ БЎЙИЧА МУНТАЗАМ РАВИИДА ҚУЙДАГИ ДАВАТЛАРГА НАРВОЗ ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

GERMANYA, AVSTRIYA, BУЮК БРИТАНИЯ, ФРАНЦИЯ, ЛЮКСЕМБУРГ, ИСРОИЛ, КИПР.

555* ЕВРО ВА УНДАН ЮҚОРИ (ИККИ ТОМОНГА)

НАРХ НИТИМААРСИЗ КЎРСАТИЛГАН. ЖОЙЛАР ЧЕГАРАЛАНГАН.

ДИҚҚАТ! Янги телефонлар:
227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.

www.transaero.ru

УЛЬТРАТОВУШ ва МАГНИТ-РЕЗОНАНСЛИ ТАШХИС маркази

УЗИ, ЛАБОРАТОРИЯ ва бошқа ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР МАЖМУИНИ тақлиф этади.

1 йилдан 5 йилгача муҳлат билан ЛИЗИНГ (кредит)га беради.

Хизматлар бунга қатнаши билан Маълумот сўрашга алоқанинг

Тел.: 189-4090 (моб), 154-5624 (моб), 150-6020 (офис), 244-2822 (офис)

NISSAN TIIDA КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ

NISSAN TIIDA

Превосходная динамика и элегантный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта.

SHIFT_lifestyle

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ

от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, ☎ 295 88 77: цена от \$ 31 000*, гарантия — 2 года, или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.

Яқинда янги ўқув йилини Мустақиллик дарси билан бошладик. Хар сафар шундай бўлади. Энг азиз, энг улуг байрам яқинлашгани сайин мени ҳаяжон босади. Байрам тадбири оdatий ҳолку-я, бироқ бу дарс кўп нарсаларни менинг ёдимга солади. Эслаганим сари бугунги кунга шукронам янада ортади.

УСТОЗЛИК ФАХРИ

Мен ҳам сен каби орзулар қанотида улғайганман, болажоним. Бебаҳо устозларимдан сабоқ олганман. Буюк аждодларимиз вориси эканлигимни билганман. Бироқ бу фахрининг чегараси бўлган ўшанда. Сен мактаб ёшингдаёқ тасавуф таълимоти манбаида Алишер Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини таҳлил қилмоқда-



Мен ҳам сен каби орзулар қанотида улғайганман, болажоним. Бебаҳо устозларимдан сабоқ олганман. Буюк аждодларимиз вориси эканлигимни билганман. Бироқ бу фахрининг чегараси бўлган ўшанда. Сен мактаб ёшингдаёқ тасавуф таълимоти манбаида Алишер Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини таҳлил қилмоқда-

ни таҳлил қилган «текширувчилар» шахсий фикрлашга ҳақимиз йўқлигини, ўқувчининг дарслик доирасидан чиқиши мумкин эмаслигини ўқитиб кетишди. Ўқитувчимизнинг бутун меҳнати унинг кўз ёшларига қўшилиб оқиб кетди. Биз шахсий ва эркин фикримизни баён этганимиз учун ўқитувчимиз маломатда қолди. Шундан устозимнинг дили қаттиқ оғриган эди. Тасодиф туфайли мактабга келиб ишлаган дастлабки йилларим ўқитувчилик касбидан қанчалик жиҳолат тортганимни ҳеч ким тасавуф қилолмайдими. Чунки ўқитувчи қанчалик фойдодир бўлмасин, унинг касби кадрлан-

маган давр эди, ўшанда. Болажоним, Мустақиллик менга нима берди, билсанми? Сеннинг келажакинг ниҳоятда порлоқ эканлигига ишонч берди ва бу келажакни барпо этишда мен танлаган касб нақадар зарур эканлигини англаш имконини берди. Мустақиллик менга ўз фикрга эга бўлган, иймоним мустаҳкам, баркамол шахсни тарбиялашдек улкан масъулиятни оқлади. Мустақиллик туфайли ўз меҳнатим самарасини кўриш ва қадрлашни ўргандим, устоз деган номдан фахрланиш ҳисси пайдо бўлди, менда. Тольемим кулгани шудир, аслида!

Дилфуза ҒАНИЕВА,
Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси.

Шифобахш неъматлар

Ўзбек дастурхонини бодом, хандон пистасиз тасавуф қилиш қийин. Тоғларимиз этакларини, болгаримиз кўксини безайдиган бодомлар ўзининг ёқимли таъми, хушбўй мазаси билан ажралиб туради.

БОДОМ ХОСИЯТИ

Халқ табибатида ширин бодом мағзининг қанд билан янчилгани дармонсизлик, нафас қисилиши, бош айланиши ва қуруқ ўталга

нафас, ўйқусизликка даво эканлиги ўқитирилади. Бодом мойи тинчлантирувчи дармондори сифатида юрак, қулоқ оғриқларини да доводир.

Аччиқ бодомнинг асал билан аралаштирилган тошма яра-ларга малҳамдир. Бодомнинг сирка билан омикта қилингани замбуруғли касалликларга қарши самарали восита ҳисобланади. Қадимги тиббий қўлланма «Махзан-ул-Адвия» китобида чучук бодом ички аъзоларни тозалаш, мияни пешлаши, новват билан истемол қилинса, кўзнинг илғаш хусусиятини кучайтириши баён этилган.

Ўсимлигини илдинизин бодом мойи ва гавга қўшиб дамлаб бошга соғуртилса, сочларга маҳкамдир. Ширин бодом мойи ёки мағзини сувга обдон эзиб аралаштирилса, бодом «сути» ҳосил бўлади. Тайёрланган бодом сути безозор пешоб ҳайдовчи восита сифатида хизмат қилади. Замонавий тиббиётда бодомли эмульсия меъда-ичак оғриқларини тўхтатишда ишлатилади.

Баъзи манбаларда бодомнинг қандли аралашмаси камқонликка, қандли диабетта, зик-

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2008 йилнинг IV чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ҒЎШТИ

Тендер тақлифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Нийзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.

Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер тақлифларини қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2008 йил 26 сентябрь кун соат 17.00 гача.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси жиноят ишлари бўйича Қашқадар вилоят судининг раиси Холмамат Хасановга отаси

МАҲМУД отанин вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, шoir Хол Маҳаммад Хасанга отаси

МАҲМУД БОБОВИН вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания Бош таҳририяти катта муҳаррири Гулнора Зокировага турмуш ўртоғи

Шоҳир ЗОКИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида тервалди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

☐ -Тижорат материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Орғиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳах — Х. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.З.А якуни — 21.30 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 7